



ИММУНИТЕТГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЁКИ УЛАРГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ДАСТЛАБКИ ВА КЕЙИНГИ БОСҚИЧЛАРИДА ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИ

Ф.Ф.Фахриддинов

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20105896>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-may 2026 yil
Ma'qullandi: 07-may 2026 yil
Nashr qilindi: 09-may 2026 yil

KEY WORDS

*иммунитет, тергов услубиёти,
тергов вазиятлари, терговни
режаслаштириш.*

ABSTRACT

Ушбу илмий мақолада иммунитетга эга бўлган шахслар томонидан ёки уларга нисбатан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиётига оид умумий қоидалар, бундай турдаги жиноятлар терговини режаслаштириш, терговнинг дастлабки босқичларини инobatга олиниши зарур бўлган тергов вазиятлари, шунингдек терговнинг кейинги босқичларида юзага келадиган тергов вазиятлари таҳлил қилинган.

Тергов амалиёти ва криминалистика назарияси шуниқ кўрсатадики, терговни тўғри ташкиллаштириш, унинг йўналиши ва далилларни тўплаш воситаларини шакллантириш тўғридан тўғри тергов жараёнида келиб чиқадиган тергов вазиятларини баҳолашга ва терговнинг тегишли усулларини танлашга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам криминалистик адабиётларда тергов вазиятлари масалаларига кўпроқ урғу берилади. Жиноятларни тергов қилишнинг қонунийлигига нисбатан вазиятли ёндашув натижасида келиб чиқадиган терговнинг дастлабки босқичларидаги тергов вазиятлари замонавий криминалистик услубиёт тузилишида муҳим ўринга эга. Айнан тергов вазиятларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб терговчи бажарилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар алгоритмини ишлаб чиқади, тергов ҳаракатларининг ўтказилиши тактикаси аниқланади.

Лавозимига кўра ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш муваффақияти кўп жиҳатдан жиноят ҳодисаси иштирокчилари ва унинг ҳолатлари ҳақида терговнинг дастлабки босқичида олинган маълумотларнинг ҳажми, манбаси ва ишончилигига боғлиқ. Тергов ҳаракатларининг аниқлиги ва уларни амалга ошириш кетма-кетлиги жиноят ҳақидаги ахборот манбаси билан боғлиқдир.

Лавозимига кўра ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятларга оид жиноят ишлари материалларини ўрганиш ва тизимлаштириш шу хулосага келиш имконини бердики, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақидаги дастлабки маълумотлар манбаларига кўра тергов вазиятларини таснифлаш энг тўғри ва эҳтимолий ёндашув ҳисобланади. Мазкур таснифни белгилаш, аввало, шу

билан асосланадики, биз қайд этган субъектлар жиноятларни ҳам касбий фаолияти доирасида, ҳам кундалик ҳаётида содир этадилар.

Тергов вазиятларининг жиноятларни тергов қилишдаги аҳамиятини ўрганган Ш.Т.Джумановга кўра, тергов вазияти тергов олиб бориш пайтида юзага келадиган шароитлар йиғиндиси ҳисобланади [1]. О.С.Кайгородова эса тергов вазиятини ҳодисанинг муҳим жиҳатларни ўзида акс эттирган фактик маълумотлар йиғиндиси сифатида тушунтиради [2]. М.С.Крюченко тергов вазиятлари жиной қилмишнинг содир этилиш механизмлари, криминалистик аҳамиятга эга маълумотларнинг, шунингдек жиноятни содир этган шахслар сонини кўрсатувчи маълумотлар кўлами боғлиқ [3]. Мазкур қарашлар орқали олимлар тергов вазиятларининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилишган.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг процессуал ҳаракатларни қонуний ва асосли ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган муҳим институт ҳисобланади. Жиноят ишини қўзғатиш жараёни эгаллаб турган лавозими бўйича ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган эга бўлган шахсларга нисбатан ўзига хос мураккабликларга эга. Тергов эса жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахс ва жиной қилмиш тўғрисидаги маълумотлар ҳажми, тергов иштирокчиларининг ўзини тутиши, объектив ва субъектив ҳолатлар - буларнинг барчаси тергов вазиятларининг таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг дастлабки босқичи ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, бу босқичда тергов вазиятлари қуйидаги ахборотларни ўзи ичига қамраб олади [4]:

а) содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган жиноят тўғрисидаги дастлабки ахборотларни тасдиқловчи манба (масалан, содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган жиноят тўғрисида берилган хабар, фуқароларнинг аризалари в.б.) тўғрисидаги;

б) муайян шахс (эгаллаб турган лавозими бўйича ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахслар ва бошқа органлар) тўғрисидаги;

д) унинг шахсий манфаатдорлиги (масалан, доимий равишда ёки бирор бир аниқ иш юзасидан тақдирлаш) тўғрисида;

е) унинг қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг хусусияти, шунингдек уларнинг содир этилиш факти тўғрисидаги (мукофотлаш учун ваъда қилинган ҳаракат).

Ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши материалларини ўрганиш натижалари шундан далолат берадики, содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган жиноят тўғрисидаги *дастлабки ахборот манбалари бўйича тергов вазиятларини тоифаларга ажратиш* жуда муҳим:

1) **ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахсларнинг қонунга хилоф фаолияти тўғрисида фуқаролар томонидан берилган аризалардан олинган ахборот.** Бундай вазият аризачининг ўзининг ташаббуси билан ёки жиноятдан жабрланувчи бўлиши мумкин бўлган шахсни ишонтиришга қаратилган ташкилий-тактик ҳаракатларни амалга ошириш натижасида пайдо бўлади.

2) **ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахслар томонидан қонунга хилоф равишда фаолият олиб борилаётганлигини тасдиқловчи, тезкор-қидирув тадбири ўтказилиши натижасида ёки бошқа жиноят иши материаллари натижасида**

олинган ахборот. Мазкур тергов вазияти доирасида тезкор маълумотларни тўплаш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари тезкор манбалардан олинган маълумотларнинг ишончлилигини текширишлари, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг ҳаракатлари хусусиятини ўрганишлари талаб этилади. Агарда текширилган маълумотлар алоҳида ҳуқуқий мақомга (иммунитетга) эга бўлган шахснинг бошқа бир ҳаракат ёки фаолият орқасига ниқобланган жиноий қилмишидан дарак берадиган бўлса, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказмасдан туриб уни фош қилишнинг имкони мавжуд бўлмаса, жиноят иши қўзғатилиши керак.

2) ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахсларнинг қонунга хилоф фаолияти тўғрисида Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган хабарлар. Ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги хабарларни текшириш жараёнида ахборотга эгалик қилувчи ОАВ бош муҳаррири ёки таҳририяти тергов органининг талаби бўйича ўзида мавжуд иш материалларини тақдим этиши керак бўлади.

Жиноятни лавозимига кўра ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахслар томонидан содир этилган ҳолатларда, терговнинг дастлабки босқичидаги тергов вазияти муайян ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади. Хусусан, жиноий фаолиятни тергов қилишнинг дастлабки босқичидаги тергов вазияти қуйидаги маълумотларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради [5]:

- тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақидаги дастлабки маълумотларни тасдиқловчи манба тўғрисида (бошқа манбалардан келиб тушган жиноят содир этилгани ёки тайёрланаётгани ҳақидаги хабар, фуқароларнинг аризаси ва ҳ.к.);

- муайян субъект (лавозимига кўра ҳуқуқий иммунитетга эга бўлган шахс ёки бошқа органлар) тўғрисида;

- унинг моддий манфаатдорлиги (унга мунтазам равишда тўланадиган мукофот, муайян ҳолатда таклиф этилган ёки у томонидан талаб қилинган маблағ) ёки мулкий бўлмаган бошқа турдаги манфаатдорлиги тўғрисида;

- унинг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигининг хусусияти, шунингдек уларнинг амалга оширилганлик факти (мукофот эвазига ваъда қилинган ҳаракатлар фақат режалаштирилганми ёки аллақачон содир этилганми) тўғрисида.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида иммунитетга эга бўлган шахс, хусусан депутат билан боғлиқ типик вазиятлар қуйидагилардан иборат [6]:

- жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг махсус ҳуқуқий мақоми (депутатлик мақоми) унинг ўз мақомини тан олиши ёки бошқа объектив сабаблар орқали аниқланади;

- депутат қандайдир сабаблар билан терговчидан ўзининг махсус ҳуқуқий мақомини яширади.

Иммунитетга эга бўлган шахслар томонидан содир этиладиган порахўрлик жиноятларида биринчи гуруҳ тергов вазиятлари дастлабки маълумот манбаига қараб, қуйидаги тергов вазиятларига бўлинади:

1) *порахўрлик ҳақидаги маълумот фуқаронинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органга ёки дастлабки тергов органига қилган мурожаати орқали олинади.*

Бунда:

-ўзини воситачи сифатида таништирган шахс унга муайян шахсга, бир неча шахсга пора беришни таклиф қилади;

мансабдор шахснинг ўзи пора беришга ишора қилади, баъзан эса очикчасига пора талаб қилади ёки «барча масалаларни ҳал қилиш» учун мурожаат этиш лозим бўлган аниқ воситачи ёки воситачилик фирмасига ишора қилади.

2) мансабдор шахс юқори турувчи раҳбариятга, прокуратура органларига ёки бошқа давлат органларига уни коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдириш мақсадида айрим шахслар (пора берувчи, воситачи ва ҳ.к.) мурожаат қилгани ҳақида хабар беради.

Бу амалиётда энг кўп учрайдиган ва умуман олганда қулай ҳисобланган тергов вазияти туридир. Одатий версияларни зудлик билан текшириш, аризадидан тушунтириш олиш ва энг муҳими — жиноят устида ушлаш бўйича тактик операция ўтказиш билан боғлиқ, жумладан тезкор-қидирув тадбири сифатида «тезкор эксперимент»ни амалга ошириш терговнинг асосий йўналишлари ва вазифалари ҳисобланади.

3) содир этилаётган ёки содир этилган порахўрлик фактларига ишора қилувчи маълумотлар аноним тарзда (ишонч телефони орқали, почта орқали, Интернет сайти орқали ва ҳ.к.) ёки аноним бўлмаган ҳолда ОАВ манбаларидаги хабарлардан, фуқаролар ва ташкилотларнинг судга, прокуратурага, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга, шу жумладан тегишли ташкилотлар сайтларига йўллаган мурожаат ва шикоятларидан олинади. Ушбу тергов вазияти тури олинаётган маълумотларни имкон қадар пухта текшириш, шунингдек юқорида баён этилган тергов тамойилларини қўллаган ҳолда барча одатий версияларни ишлаб чиқиш ва текшириш орқали вазифаларни ҳал этишни назарда тутати.

Бундан ташқари, Е.Ю.Фролова тергов ва суд амалиётини ўрганиш ҳамда тизимлаштириш жараёнида содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақидаги дастлабки маълумот манбасига қараб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва судьяларнинг коррупциявий фаолиятини **тергов қилишнинг бошланғич босқичида юзага келадиган қуйидаги типик ҳолатларни** ишлаб чиққан [7]:

мазкур органлар ходимларининг хизмат (қонуний ёки ғайриқонуний) фаолиятини амалга ошириши тўғрисидаги маълумот тергов органига фуқаронинг ундан муайян ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик эвазига пул талаб қилинганлиги ҳақидаги аризаси асосида келиб тушган;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларининг ва судьянинг коррупциявий фаолияти ҳақидаги маълумот тергов органи томонидан ўзининг тезкор (махфий) манбалари орқали олинган;

мазкур органлар ходимларининг коррупциявий фаолияти ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган;

мазкур органлар ходимларининг коррупциявий фаолияти ҳақидаги маълумот аноним тарзда тақдим этилган.

Ушбу тергов ҳолатларининг хусусиятига қараб тергов версиялари илгари сурилади ва тергов йўналишлари белгиланади. Ҳар бир типик ҳолат учун жиноятни фош этиш мақсадида амалга оширилиши зарур бўлган тезкор-қидирув тадбирлари ҳамда тергов ҳаракатлари мажмуаси ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Джуманов Шухрат Тошманович. (2023). ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ЎҒРИЛАШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ТИПИК ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИ ХАМДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР. IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(3), 56–59. Retrieved from <https://sciencebox.uz/index.php/jis/article/view/6150>
2. Кайгородова Ольга Сергеевна Следственные ситуации и версии: теория и практика применения // Вестник Уральского юридического института МВД России. 2014. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sledstvennyye-situatsii-i-versii-teoriya-i-praktika-primeneniya>
3. Крюченко, М. С. Расследование преступлений в сфере строительства многоквартирных жилых домов: современное состояние и перспективы / М. С. Крюченко // Известия Тульского государственного университета. Экономические и юридические науки. – 2020. – № 1. – С. 122-131. – EDN QAQXGO. https://elibrary.ru/download/elibrary_42653369_66454293.pdf
4. Кузьмин, М. Н. Типичные следственные ситуации первоначального этапа расследования преступлений, совершенных лицами, по должности обладающими правовым иммунитетом / М. Н. Кузьмин // Криминалистика и судебно-экспертная деятельность в условиях современности : Материалы II Всероссийской научно-практической конференции, Краснодар, 25 апреля 2014 года / Редакционная коллегия: С. В. Пахомов (председатель), Д. А. Натура (заместитель председателя), В. И. Ерёмченко (ответственный секретарь), Л. А. Рычкалова, А. В. Гусев. – Краснодар: Федеральное государственное казенное образовательное учреждение высшего профессионального образования "Краснодарский университет Министерства внутренних дел Российской Федерации", 2014. – С. 409-412. – EDN SWWKYD.
5. Кузьмин Михаил Николаевич, Солонникова Нина Валерьевна К вопросу о следственной ситуации на первоначальном этапе расследования преступной деятельности лиц, по должности обладающих правовым иммунитетом // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2015. №11-1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-sledstvennoy-situatsii-na-pervonachalnom-etape-rassledovaniya-prestupnoy-deyatelnosti-lits-po-dolzhnosti-obladayuschih>
6. Коцюмбас С. М. Ситуационные особенности методики расследования преступлений, совершенных депутатами законодательного органа государственной власти субъекта РФ и выборного органа местного самоуправления : дис. – Кубанский государственный аграрный университет, 2013. –С.13. http://emsu.ru/face/dissert/avtoreferat_kotsyumbassm.pdf
7. Фролова Елена Юрьевна. МЕТОДИКА РАССЛЕДОВАНИЯ КОРРУПЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ И СУДЕБНЫХ ОРГАНАХ. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук - Краснодар 2005.